

Юлдошев Зойир Тошканович,
Давлат статистика қўмитаси
бошқарма бошлиғи ўринбосари,
ТДИУ мустақил тадқиқотчиси,
Дуснаев Шерзод Эргашович,
Давлат статистика қўмитаси
бўлим бошлиғи

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ НАТИЖАСИ БАНД ВА ИШСИЗ АҲОЛИ СОНИ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА БУ СОҲАДАГИ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Мақолада аҳолини рўйхатга олиш натижасида банд ва ишсизлар сони кўрсаткичларининг шаклланиш зарурияти асослаб берилган. Бу жараёнда бандлар ва ишсизлар сонини ялпи кузатувлар орқали шакллантиришининг хориж тажрибаси, соҳага тегишли асосий тенденциялар ҳамда чет давлатларнинг турли хил ёндашувлари кўриб чиқилган. Хулосаларда, хорижий давлатлар тажрибасини Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олишда қўллаш бўйича таклифлар берилган.

В статье обосновывается необходимость формирования показателей численности занятого и безработного населения в результате переписи населения. Рассмотрен зарубежный опыт формирования численности занятых и безработных на основе полных обследований, основные тенденции, связанные с данной сферой и различные подходы зарубежных стран. В выводах были сделаны предложения по применению опыта зарубежных стран при проведения переписи населения в Республике Узбекистан.

The article proves the necessity of creating indicators of the number of employed and unemployed population as a result of the population census. In the article, foreign experience of creating the number of employed and unemployed on the basis of population census, the main trends related to this area and various approaches of foreign countries are considered. In the conclusions, proposals were made to apply the experience of foreign countries in conducting the population census in the Republic of Uzbekistan.

Аҳолини рўйхатга олиш мамлакат аҳолиси ва унинг фаровонлиги тўғрисидаги ишончли маълумот, узоқ муддатли прогнозлар ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсадли дастурларини,

янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш, барқарор ривожланиш Миллий мақсадлари индикаторларини шакллантириш, меҳнат ресурслари жойлашуви ва улардан фойдаланиш жараёнларини ўрганиш илмий тадқиқотлар олиб бориш учун муҳим пойдевордир.

Аҳолини рўйхатга олишни ўтказишнинг асосий вазифаларидан бири. Бу - меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва уларни жойлаштириш бўйича қисқа, ўрта ва узоқ муддатли прогнозлар, дастурлар тайёрлаш ва индикатив режалаштириш ҳисобланади[1].

Йилдан йилга аҳолининг иш билан бандлигини ташкил қилиш муаммоси назарий ва амалий жиҳатларда янгича маъно касб этади. Меҳнат бозорини янада ривожлантириш аҳолининг иш билан бандлигини тартибга солишда фаол ўринни эгаллайди. Меҳнат бозорида асосий миллий ресурс – ишчи кучи шаклланади ҳамда корхоналар, тармоқлар, вилоят ва туман минтақалари бўйича тақсимланади.

Меҳнат бозори иқтисодий фаол аҳолининг иш билан бандлигини, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасига жалб этилишини таъминлайди. У ходимнинг ўзи учун янада мосроқ иш жойига ўтишини енгиллаштиради. Меҳнат бозори орқали корхоналар зарур миқдорда ва талаб қилинган сифатга эга ишчи кучи билан таъминланади. Меҳнат бозори қандай кадрлар, мутахассислар, касбларга талаб борлигини, улардан қандайлари ортиқчалигини кўрсатади. Бу кўпгина мамлакатлар учун долзарб муаммодир. Унинг ҳал этилиши жамиятнинг ижтимоий тараққиётини таъминлашга қодир самарали иқтисодиётнинг яратилишини англатади[2].

Халқаро меҳнат ташкилотининг тавсияларига кўра деярли барча давлатларда бандлар ва ишсизлар сони ҳисобини юритиш идоравий маълумотлар, статистик кузатувлар ва бошқа танланма кузатувлар маълумотларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Аҳолини рўйхатга олиш саволнома шакллари ишлаб чиқиш ва саволлар таркибини шакллантириш жараёнида аввалам бор БМТнинг Европа Иқтисодий Комиссияси, МДХ статистика қўмитаси ва бошқа ҳақаро ташкилотларнинг тавсияларига эътибор қаратилади.

Ушбу халқаро ташкилотларнинг деярли барчаси томонидан бандлик ва ишсизлик даражаси кўрсаткичларини шакллантириш имконини берувчи саволларни саволнома шаклига киритиш тавсия этилган[3].

Шунга кўра, барча давлатларнинг меҳнат соҳаси мутахассислари 10 йилда камида бир маротаба ўтказиладиган аҳолини ялпи рўйхатдан ўтказиш

тадбиридан унумли фойдаланиш мақсадида аҳолини рўйхатга олиш саволномасига ишчи кучи ва унинг таркибига тегишли саволларни киритишга ҳаракат қилишади.

Айрим халқаро ташкилотларнинг тавсиялари ва МДХ давлатларининг аҳолини рўйхатга олиш саволномаси шакллари ҳамда ишчи кучи ва унинг таркибини англатувчи саволлар саволномаларга киритилганлигининг таҳлилини қуйида кўриб чиқамиз.

1-жадвал

МДХдаги айрим давлатларнинг аҳолини рўйхатга олиш бўйича саволномасига киритилган бандлик ва ишсизликга тегишли саволлар

Давлатлар	Шахсга доир саволлар сони	Шундан, бандлик ва ишсизлик кўрсаткичлари га тегишли саволлар сони	Улуши, %
Россия Федерацияси	25	6	24,0
Беларусь Республикаси	26	10	38,5
Озарбайжон Республикаси	28	10	35,7
Қозоғистон Республикаси	38	7	18,4

Аҳолини рўйхатга олишнинг 2020 йил раунди бўйича хусусан, 2019 йилнинг октябрь ойида Беларусь ва Озарбайжон давлатлари рўйхатга олиш ишларини яқунлаб, ҳозирда маълумотларни қайта ишлаш жараёнларини амалга оширишмоқда.

Шунга кўра, таҳлилда биринчи навбатда ушбу давлатларнинг саволномаларини кўриб чиқиш лозим.

2019 йил учун аҳолини рўйхатга олиш бўйича Беларусь Республикаси саволномаларининг шахсга оид шаклида асосий саволлар 26 тани ташкил этган бўлса, шундан 10 таси (38,5 %) бевосита респондентнинг (шахс) бандлик ёки ишсизлик ҳолатини аниқлаш имконини берувчи кўрсаткичлар ҳисобланади (*1-жадвал*).

Хусусан саволномаларга:

- аҳолини рўйхатга олиш йили давомидаги даромад манбаингизни кўрсатинг;

- ўтган бир ҳафта мобайнида пул тўланадиган (даромад келтирадиган) иш билан банд бўлдингизми?

- яшаб турган аҳоли пунктингиз ҳудудида ишламаслигингизнинг асосий сабабини кўрсатинг;

- асосий иш жойингизни кўрсатинг;

- асосий иш жойингизда ким бўлиб ишлайсиз?

- бошқа қўшимча иш излаяпсизми?

- аҳолини рўйхатга олиш бошлангунга қадар бир ой давомида иш изладингизми?

- ўзингизга маъқул иш топилганида яқин 2 ҳафта ичида ишга киришган бўлармидингиз?

- иш изламаслигингиз, сабабини кўрсатинг каби саволлар киритилган[4].

2019 йил учун аҳолини рўйхатга олиш бўйича Озарбайжон Республикаси саволномаларининг шахсга оид шаклида жами асосий саволлар 28 тани, бандлик ёки ишсизлик кўрсаткичларини шакллантириш имконини берувчи саволлар эса 10 тани (35,7 %) ташкил этган (1-жадвал).

Булар қуйидагилар:

- даромад манбаингиз;

- ўтган бир ҳафта мобайнида камида 1 соат пул ёки натура шаклида тўланадиган (даромад келтирадиган) иш билан банд бўлдингизми?

- асосий иш жойингиз қайси ҳудудда жойлашган?

- асосий иш фаолиятингиз ёки даромад келтирадиган фаолиятингиз иқтисодиётнинг қайси тармоғига тегишли?

- бандлик ҳолатингиз;

- бошқа қўшимча иш излаяпсизми?

- асосий иш жойингизда ёки даромад келтирадиган фаолиятингиздаги мутахассислигингиз(лавозим);

- аҳолини рўйхатга олиш бошлангунга қадар бир ой давомида иш изладингизми?

- сизга маъқул иш таклиф этилса, яқин 2 ҳафта ичида ишга киришган бўлармидингиз?

- иш изламаслигингизга асосий сабаб нимада кабилар[5].

МДХ давлатлари орасида аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш бўйича энг катта тажрибага эга давлат Россия Федерацияси ҳисобланади.

2018 йил учун синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш бўйича Россия Федерацияси саволномасининг шахсга оид шаклида жами 25 та асосий саволлар киритилган бўлса, шундан 6 таси (24,0 %) бевосита бандлик ёки ишсизлик кўрсаткичларини шакллантириш имконини берувчи саволлардир(1-жадвал).

Булар қуйидагилар:

- даромад келтирувчи барча манбаларингизни кўрсатинг;
- ўтган бир ҳафта мобайнида пул тўланадиган ёки даромад келтирадиган иш билан банд бўлдингизми?
- асосий иш жойингизда ким бўлиб ишлайсиз?
- асосий иш жойингиз сиз доимий яшаб турган ҳудудда жойлашганми?
- сентябрь ойининг охирига ҳафтасида сизга маъқул иш таклиф этилса, ишга киришган бўлармидингиз?
- сентябрь ойи давомида иш изладингизми ёки шахсий ишингиз билан шуғилланидингизми кабилар[6].

2020 йил учун аҳолини рўйхатга олиш бўйича қўшни Қозоғистон Республикаси саволномасининг шахсга оид шаклида жами асосий саволлар сони 38 тани, бандлик ёки ишсизлик кўрсаткичларини шакллантириш имконини берувчи саволлар сони эса 7 тани (18,4 %) ташкил этган(1-жадвал).

Булар қуйидагилар:

- ўтган бир ҳафта мобайнида камида 1 соат пул тўланадиган (даромад келтирадиган) иш билан банд бўлдингизми?
- асосий иш жойингизда ким бўлиб ишлайсиз?
- асосий ишингиз қайси фаолият соҳасига тегишли?
- асосий иш жойингиз жойлашган ҳудудни кўрсатинг;
- асосий ишингиздан бошқа қўшимча ишингиз борми?
- аҳолини рўйхатга олиш бошлангунга қадар бир ой давомида иш изладингизми?
- сизга маъқул иш таклиф этилса, яқин 2 ҳафта ичида ишга киришган бўлармидингиз кабилар[7].

Ушбу маълумотлардан шуни тушиниш мумкинки, аҳолини рўйхатга олиш натижасида бандлик ва ишсизлик кўрсаткичларини шакллантириш барча давлатлар учун муҳим саналади.

Биз учун саволномага киритилган саволлар таркиби муҳим эмас, балки энг муҳим жиҳати бу якуний натижада аҳоли банлиги ва ишсизлигига (ишчи кучи) тегишли бўлган қандай кўрсаткичлар, қандай кесимларда шаклланиши ҳисобланади.

Юқорида кўриб чиққанамиз, хорижий давлатлар тажрибасида аҳолини рўйхатга олиш саволномаларидаги саволлар таркибидан келиб чиқиб, қуйидаги кесимларда бандлар ва ишсизлар сони кўрсаткичлари шаклланишини кузатишимиз мумкин.

2-жадвал

Бандлар ва ишсизлар сонининг турли кесимларда шаклланиши

Кесимлар	Бандлар сони	Ишсизлар сони
Мамлакат аҳолисининг ёшлари кесимида	+	+
Миллатлар кесимида	+	+
Жинслар(аёл, эркак) кесимида	+	+
Аҳолининг фуқаролиги кесимида	+	+
Энг кичик ҳудудий бирликлари (маҳалла, қишлоқ) кесимида	+	+
Расмий (норасмий) секторда	+	+
Давлат (нодавлат) секторида	+	-
Таълим даражаси бўйича	+	+

Мамлакатимизда йилдан-йилга янги муқобил иш ўринлари ташкил этиш орқали ишсизликни камайтириш, банд аҳоли сонини ошириш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш, камбағаллик даражасини пасайтириш мақсадида қисқа ва узоқ муддатли, мақсадли, манзилли дастурлар ва чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Мазкур чора-тадбирлар ва аҳоли бандлигини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ислохатларнинг натижаларини кўрсатувчи ҳисоб-китобларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги “Ишга жойлаштиришга муҳтож аҳоли сонини аниқлаш, шу жумладан, уй хўжаликларини меҳнат билан бандлик масалалари бўйича

ўрганишлар ўтказиш, шунингдек, меҳнат ресурслари, бандлик ва аҳолини ишга жойлаштириш балансини шакллантириш методикасини такомиллаштириш тўғрисида”ги 1011-сонли қарори ҳуқуқий асос ҳисобланади[8].

Манзилли дастурларни ишлаб чиқишда, албатта, энг кичик маъмурий ҳудудий бирликлар бўлган маҳаллалар ва қишлоқ аҳоли пунктлари кесимида нечта ишсиз бор, ишсизларнинг ёши, маълумот даражаси, жинси каби маълумотлар талаб этилади.

Юқоридагиларда келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олиш саволномасига бандлик ва ишсизлик кўрсаткичларини энг кичик маъмурий ҳудудий бирликлар бўйича ва турли кесимларда шакллантириш имконини берувчи саволларни киритиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман. Унга қуйидаги саволларни киритишни таклиф этаман:

1. Даромад манбаи – бунда аҳолининг яшаши учун асосий даромад (иш ҳақи, тадбирлик, нафақалар) манбаи аниқланади.

2. Асосий меҳнат фаолияти - бунда асосан ўзини-ўзи банд қилган иш берувчилар, ёлланиб ишловчи ходимлар ва мустақил равишда (норасмий) иш билан банд бўлганлар сони шаклланади.

3. Иш жойининг жойлашган ҳудуди – бунда маятникли меҳнат миграцияси кўрсаткичлари шакллантирилади.

4. Асосий меҳнат ёки даромад келтирадиган фаолият иқтисодиётнинг қайси тармоғига тегишлиги – бунда бандлар сони иқтисодиётнинг барча фаолият турлари бўйича шаклланади.

5. Охирги бир ҳафта ичида иш ҳақи тўланадиган ёки даромад келтирадиган иш билан машғул бўлганлар – бунда асосан ишсизлар сони кўрсаткичи шаклланади.

6. Охирги бир ой ичида иш излаганлиги, иш таклиф этилса, 2 ҳафта мобайнида ишга киришиши ёки киришмаслиги ҳамда иш изламаслик ёки таклиф этилган ишга киришмаслик сабаби – Бунда ҳам ишсизлар сони кўрсаткичи шаклланади.

Фойдаланилган Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони. 2019 йил 5 февраль 5655-сон.
2. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик. – Тошкент, «МЕННАТ», 2009.
3. Рекомендации Конференции европейских статистиков по проведению переписей населения и жилищного фонда 2020 года. ЕЭК ООН. Нью-Йорк и Женева, 2015.
4. Постановление Совета Министров Республики Беларусь, 28 июня 2018 г. № 505. Об утверждении программы переписи населения Республики Беларусь 2019 года.
5. Распоряжение Государственного Комитета по Статистике Республика Азербайджан, 16 апреля 2018 г. №03/SQs.
6. Распоряжение Правительство Российской Федерации, 8 ноября 2019 г. №2648-р. Москва.
7. Приказ Председатель Комитет по статистике Министерства национальной экономики Республики Казахстан -№11 от 07.10.2019 г.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ишга жойлаштиришга муҳтож аҳоли сонини аниқлаш, шу жумладан, уй хўжаликларини меҳнат билан бандлик масалалари бўйича ўрганишлар ўтказиш, шунингдек, меҳнат ресурслари, бандлик ва аҳолини ишга жойлаштириш балансини шакллантириш методикасини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори. 2017 йил 22 декабр. 1011-сон.
9. <http://www.stat.uz> – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти.
10. <http://www.lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
11. <http://cisstat.org> – МДХ давлатлари статистика қўмитасининг расмий сайти.